

# Ishonch

2021 йил  
18 сентябрь  
шанба  
№ 119  
(4559)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфида айни вақтда 24 та санаторий ва битта дам олиш уйи фаолият юритмоқда. Уларда юртдошларимиз ҳамда хорижий фуқароларга самарали хизмат кўрсатилмоқда. Мазкур йўналишлардаги ишларни такомиллаштириш, ишчи-ходимларни соғломлаштириш кўламини янада кенгайтириш мақсадида янги санаторийлар барпо этиш ва мавжуд сиҳатгоҳларнинг қабул қувватини ошириш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ҳамда моддий-техник негизини мустаҳкамлаш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Бунёдкорлик

## «БЎСТОН»НИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ


ҳавас ва ҳайрат уйғотувчи манзара касб этмоқда



Йиғилиш

## Муаммолар тизимли ҳал этилмоқда

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



Республика комиссияси раиси Қудратилла Рафиқов олиб борган йиғилишда «Аёллар дафтари» билан ишлаш тизимининг 2-босқичида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан жорий қилинган «Аёллар дафтари» тизими доирасида сўнгги бир йил мобайнида хотин-қизларнинг муаммолари изчил ҳал этиб келиняпти. Хусусан, жорий йилнинг январ-июнь ойларида «Аёллар дафтари» тизимининг 1-босқичи доирасида 430 275 нафар эҳтиёжманд хотин-қизга кўмаклашилган бўлса, 1 июлдан буён 2-босқичга киритилган 450 970 нафар хотин-қизнинг муаммоларини бар-тараф этиш бўйича самарали ишлар олиб борилляпти.

21



«Тавоф этиб бизлар босган изларни ҳам, Эслашарлар бир кун келиб бизларни ҳам»

4-саҳифада

Самарқанд вилояти ўзимизга назар

## Тарғиботда оқсаяпмиз(ми?)

Гапнинг дангалини айтганда, бугун касаба уюшмалари тўғрисида фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошган, тафаккури юксалган бир шароитда ҳам чалқаш тушунчаларга дуч келинаётгани бор гап.

Бир мисол келтираман. Яқинда хизмат юзасидан бир хусусий корхонага бордик. Тўғриси, раҳбарият касаба уюшмаларидан эканимизни билгач, ҳушламайгина қарши олди. Мулоқот ҳам унчалик қовушмади. Юз нафардан ортиқ ходим меҳнат қилаётган корхона эшиклари «беғоналар» учун «тамбалаб» қўйилган. Бундай ҳолатда аъзолик афзалликларини раҳбарга аниқлаштириш ҳам осон эмас, албатта.

Фаолиятимизда бундай вазиятлар ниҳоятда кўп. Шу каби ҳолатлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, кўплаб тadbиркорлик субъектлари ходимларининг касаба уюшмаларига аъзолигини танлаш ҳуқуқи биргина «шахс»га боғлиқ бўлиб қолмоқда. Жамоада етарлича тушунча шаклланмаган ёки юзаки тасаввур мавжуд.

Демак, ўзимизда ҳам камчилик бор. Ишчи-ходимлар ва уларнинг манфаати устуворлигига эришиш учун касаба уюшмалари фаоллари фаоллигини, хусусан, тарғиботи ошдиришимиз лозимга ўхшайди. Масалан, касаба уюшмалари афзалликлари асосланган буклетлар, кичик ҳажмдаги тарғибот календарлари, лозим бўлганда плакатлар ва бошқа воситалардан фойдаланиш зарур.

Сирасини айтганда, бугунги тезкор замонда ҳар бир касаба уюшма фаоли чукүрроқ изланиши, ўз устида ишлаши, тизим имкониятлари ва, таъбир жоиз бўлса, қудратини кенг тарғиб қилиши лозим.

Мана, биз учун нима етишмаяпти? Ҳамкасбларим фикримни тушунгандир, деган умидданман...

Бекзод ҲОЛБОЕВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси ўринбосари

ТАҲРИРИЯТДАН: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри бўлган «Ishonch» газетаси муштарийларнинг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, касаба уюшмалари фаолиятига тахлил ва таққидий назар ташлаш мақсадида «Ўзимизга назар» рукнини ташкил этди. Мазкур рукнда касаба уюшмалари фаолларининг фаолиятидаги баъзи камчиликлар тахлил этилган фикрлар, фаолиятни янада ривожлантиришга оид таклиф ва мулоҳазалари ўрин олган мақолалар бериб борилади.

Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида 17 сентябрь кун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлиси бўлиб ўтди. Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон раислигида ўтган мажлисда ШХТга аъзо давлатлар етакчилари – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Имрон Хон ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин иштирок этди.



ШХТ раислигини Ўзбекистон қабул қилиб олди.

24 О'ZBEKISTON PREZIDENTI OKTYABR 2021 YIL SAYLOVI

20 сентябрдан Президентликка номзодлар ташвиқотиغا киришिलाди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар етакчилари жума кун Эронни ташкилотга доимий аъзо қилиб олиш бўйича ҳужжатни маъқуллашди.




Нукусда II Халқаро бахшичилик санъати фестивали томошалари бошланди.



Пойтахтимизда Марказий Осиёда туберкулёзни интеграциялашган тарзда назорат қилиш бўйича бешинчи халқаро конференция ўтказилди.

Навойлик ўқувчилар Финляндияга ўқиш учун юборилди.



18 сентябрь кун пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуасида регби-7 бўйича 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатига старт берилади.

## «НАМУНАЛИ» БОШОҒРИҚ

# Муаммолар тизимли ҳал этилмоқда

41 Касаба уюшмаларидан ҳудудларга бириктирилган 400 нафардан зиёд ходимлар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва жойлардаги ҳокимият вакиллари билан биргаллик тизимли ишларни амалга оширяпти.

Шу пайтга қадар 96 минг 413 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизнинг доимий даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашилди. Жумладан, ҳудудий инвестиция дастурлари орқали яратилган янги бўш иш ўринларига жойлаштириш орқали 56 минг 793 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди, 11 минг нафари касб-ҳунарга ўқитилди ҳамда даромад топиши учун тегишли техник воситалар олиб берилди, 12 минг 601 нафарига тадбиркорлик кўникмалари ўргатилиб, ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун кредитлар берилди.

«Халқ банки»дан 8 минг 800 нафар, «Агробанк»дан 2 минг 684 нафар, «Микрокредитбанк»дан 1 минг 117 нафар хотин-қизга кредит ажратилди. 16 минг 17 нафарига томорқасидан даромад манбаи сифатида фойдаланишга кўмаклашилди. 35 минг 412 нафар боқувчисини йўқотган эҳтиёжмандларга моддий ёрдам кўрсатилди. 34 минг 689 нафар ногиронлиги бўлган ва ўзгалар парварошига муҳтож хотин-қизга моддий ёрдамлар белгиланган тартибда тўлаб берилди. 373 нафар уй-жойини таъмирлашга муҳтож 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизга моддий кўмаклашиб, уй-жойлари таъмирланди.

946 нафар нотузар жойларда истиқомат қилаётган, ўзининг ёки биргалликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган хотин-қизларга ижара компенсацияси тўланди. 161 нафари имтиёзли арзон уй-жойлар билан таъминланди.



Саломат АБДУРАХМОНОВ билан суриштириш

11 минг 709 нафар қаромоғида ногиронлиги бўлган боласи бор ёлғиз аёлга моддий, 106 минг 378 нафар тиббий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизга тиббий, 48 минг 588 нафар ҳуқуқий ёрдамга муҳтож аёлга ҳуқуқий маслаҳатлар ва амалий ёрдамлар кўрсатилиб, 47 минг 549 нафар хотин-қизга психологик маслаҳатлар берилди.

Умуман олганда, бугунги кунгача «Аёллар дафтари»нинг 2-босқичида 382 минг 57 нафар, яъни режага нисбатан 84,7 фоиз эҳтиёжманд хотин-қизга моддий ва амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Таъкидлаш жоизки, Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳрида «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга амалий ёрдам бериш ишлари бўйича энг юқори кўрсаткич қайд этилган. Шунингдек, рес-

публикамадаги Тўртқўл, Улуғнор, Олот, Дўстлик, Деҳқонобод, Косонсой, Нарпай, Сайхунобод, Музработ, Паркент ва Хива туманлари ҳамда Навоий шаҳрида

Уларга мукофотлар жорий йилнинг 11 ноябрь – «Касаба уюшмалари кўни» байрами арафасида тантанали равишда топширилиши алоҳида таъкидланди.

Шундан сўнг вилоят сектор раҳбарлари ўзларининг амалга ошираётган тизимли ишлари ва бу борадаги илгор тажрибалари билан ўр тоқлашди.

Шунингдек, юқорида қайд этилган ишлар билан бир қаторда, баъзи ҳудудларда а й р и м мутасаддиларнинг

ишга совуққонлик ва масъулиятсизлик билан ёндашиши оқибатида қатор сусткашликларга йўл қўйилаётганига эътибор қаратилди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида ишлар талаб даражасида эмас. Жумладан, Қашқадарё вилоятида уй-жойини таъмирлашга муҳтож 139 нафар 1 гуруҳ ноги-

«Халқ банки»дан 8 МИНГ 800 НАФАР, «Агробанк»дан 2 МИНГ 684 НАФАР, «Микрокредитбанк»дан 1 МИНГ 117 НАФАР хотин-қизга кредит ажратилди. 16 МИНГ 17 НАФАРИГА томорқасидан даромад манбаи сифатида фойдаланишга кўмаклашилди. 35 МИНГ 412 НАФАР боқувчисини йўқотган эҳтиёжмандларга моддий ёрдам кўрсатилди. 34 МИНГ 689 НАФАР ногиронлиги бўлган ва ўзгалар парварошига муҳтож хотин-қизга моддий ёрдамлар белгиланган тартибда тўлаб берилди. 373 НАФАР уй-жойини таъмирлашга муҳтож 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизга моддий кўмаклашиб, уй-жойлари таъмирланди.

«Аёллар дафтари» тизими доирасида хотин-қизларга кўмак бериш ишларида жонбозлик кўрсатаётган масъулларни рағбатлантириш мақсадида Республика комиссияси томонидан ўтказилган «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла раиси», «Касаба уюшмалари Федерацияси лауреати», «Энг намунали аёл иш берувчи» республика танловлари якуний босқичлари ғолиб ва совриндорлари номи ўқиб эшиттирилди.



## Кўрик-танлов

Юртимизда ижод аҳлини ҳар томонлама рағбатлантириш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш мақсадида турли кўрик-танловлар, грант-лоийҳалар, ижтимоий дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танлови ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинмоқда. У ижодкорларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга, маънан қўллаб-қувватлашга ва ёш иқтидорларни кашф этишга хизмат қилмоқда.

## Муносиб рағбат – ижодга даъват



Яқинда Миллий матбуот марказида ушбу кўрик-танловнинг жорий йилги ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда таъкидлашга асос бўлган «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танлови ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинмоқда. У ижодкорларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга, маънан қўллаб-қувватлашга ва ёш иқтидорларни кашф этишга хизмат қилмоқда.

Яқинда эса Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан Тошкент вилоятидаги «Бўстон» санаторийида янги даволаш бўлими курилиши амалга оширилди. 2021 йилнинг 14 сентябрь кўни унинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Маълумот учун айтиб ўтиш жоизки, мазкур санаторий 230 ўринга эга бўлиб, асосан юрак-қон томир, асаб, гинекологик, урологик ва таянч-ҳаракат тизими аъзолари касалликлари билан оғирган беморларни соғломлаштириш учун мўлжалланган замонавий даволаш-диagnoстик базасига эга. Санаторийнинг табиий даволаш омилли асосан минерал сувли ванналар сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган – термаль, кам минераллашган, сульфат-кальций натрийли, кучсиз ишқорли маъданли сув ҳисобланади. Сихаттоҳда республика камиз худудларидан таширф буюрадиган юртдошларимизга юқори малакали санатор-курорт хизмати кўрсатилиши учун барча имкониятлар яратилган.

Тадбирда ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. **Комила БОЙМУРОДОВА,** «ISHONCH»

# «БЎСТОН»нинг янги қиёфаси

ҳавас ва ҳайрат уйғотувчи манзара касб этмоқда



Таъкидлаб ўтиш жоизки, «Бўстон» санаторийсининг эски даволаш биноси 1928 йилда барпо этилган бўлиб, анча эскирган эди.

«Бўстон» санаторийсининг жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган, янги 3 қаватли даволаш бўлими энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар, тиббий, физиотерапевтик муолажалар учун мўлжалланган замонавий тиббий анжомлар, хусусан, ультратовуш текшируви, электрокардиография, электроэнцефалография, колпоскопия, клиник ва биохимик лаборатор текширувлар ўтказиш учун мўлжалланган тиббий-диагностик анжомлар, шунингдек, юқори ва паст частотали электр токи билан даволаш, электроуйку, лазер-магнит билан даволаш, зарб тўлқини терапия, лимфопресс, гидроаэроионизация, ингаляция, озонотерапия, тузли гор, ўт қоғи ва

ичакларни ювиш, умуртқа поғонасини компьютерли тортиш, шам-өзекерил ва шифобахш балчиқ билан даволаш каби тиббий, физиотерапевтик муолажалар учун мўлжалланган замонавий тиббий анжомлар билан таъминланди.

Санаторий ҳудудида кенг қўламдаги ободонлаштириш, кўчаламзорлаштириш ишлари ҳам амалга оширилиб, гулзорлар барпо этилди. Бундан ташқари, даволаш бўлимида маъданли сув билан даволаш мажмуаси ташкил этилиб, унда шифобахш «Кедр бочкаси, маъданли ва маржонли ванналар, сув ости массажи, гальваник ванналар, айланма, кўтариувчи душлар ва «Шарко душ» фаолияти йўлга қўйилган. Фитобарда эса орак, ошқозон-ичак, бўйрак, жигар касалликларини табиий усуллар билан даволашда қўлланиладиган ва куч-қувват бағишловчи мой-чечак, зубтурум барги, дала-

чоё ўти, тоғ райҳони, кийик ўти, наъматак меваси каби ўсимликлардан шифобахш даламалар, шунингдек, шифобахш шарбатлардан кислородли коктейллар тайёрланади. Дам олувчилар учун ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирлар, концерт дастурлари, таниқ кино ва театр актралари билан учрашувлар, Тошкент шаҳри ва вилоятда жойлашган муқаддас қадимжолар ҳамда тарихий обидаларга саёҳатлар дам олувчиларнинг янада мароқли ҳордиқ қиришлари учун қулай имкониятлар яратмоқда.

Мухтасар айтганда, «Бўстон»нинг янги қиёфаси ҳавас қилса арзийди. Энг муҳими, дам олувчилар учун яратилган шароитлар ҳам шунга монанд. **Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА,** Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари



Тошкент шаҳри

## Саёҳат ЯХШИ ДАМ-МЕХНАТГА ХАМДА

Тошкент шаҳар тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари касба уюшмаси бирлашган кўмитаси хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда кўмига ташаббус билан Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти тасарруфидаги «Тикув зиё фойз» ишлаб чиқариш корхонаси, «Санъат гулшани» маданият саройи, Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти Тошкент шаҳар ва вилояти бўлими ҳамда Юнус-обод тумани ногиронлар жамиятида фаолият олиб бораётган 52 нафар ишчи-ҳодим кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрига зиёратга олиб борилди.

Саёҳат давомида ишчи-ҳодимлар гўзал қадимжоларни айланиб, мароқли ва сермазмун ҳордиқ чиқаришди.

Ўз муҳбиримиз

## Хоразм вилояти



## ТОҒЛАР БАҒРИДАГИ ТААССУРОТЛАР

Шифокорлар саёҳат инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали эканлигини айтиб, тоғ бағирларига сайрга чиқишни тавсия қилишди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманига ташкил қилинган эхосаёҳат биз учун ҳар томонлама фойдали бўлди.

Саёҳат давомида тармоқнинг турли йўналишида фаолият кўрсатаётган 40 нафар бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси ва уларнинг оила аъзолари мириқиб дам олишди. Билдирсой мажмуаси, Чорвоқ дам олиш масканларида бўлиб, дам олиш билан бирга турли ташкилотларда меҳнат қилиб келадиган ҳамкасблар билан ўзаро фикр, тажриба алмашдик. Сафар давомида ҳамроҳларимиз таъкидлаганидек, бундай ҳамхўрликлар қуйи бугун фаолиятини янада яхшилашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Раъно АҲМЕДОВА,** «Ипотека банк» АТБнинг Хоразм филиали касба уюшма кўмитаси раиси

## Бухоро вилояти



## ТАРИХ САБОҚЛАРИ

Бухоро «Муруват» ногиронлиги бўлган шахслар учун Аёллар интернат уйи ҳамда бошланғич касба уюшма кўмитаси муассасасида истиқомат қилувчи 50 нафар аёлнинг Бухоро шаҳрининг тарихий қадимжоларига саёҳатини уюштирди.

Саёҳатчилар Арк кўрғони, Лабиҳову ансамбли, Исмоил Сомоний мақбараси ва бир қатор тарихий обидаларда бўлишди. Ҳар бир тарихий қадимжонинг инсонни қомилликка чорловчи маънавий-руҳий таъсир кучи хусусида маърузалар тинланди.

Ушбу саёҳат юртимизга, буюқ аждодларимиз, тарихимизга бўлган ихлос ва муҳаббатимизни янада зиёда қилди, – дейди Г.Абдуллаева. – Ташкилотчиларга мингдан-миг ташакур!

**Шаҳрибону ҲУСЕНОВА,** Бухоро шаҳридаги аёллар интернат уйи масъул ходими

Ўзбекистон ва жаҳон

# ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАГАН ЭЗГУЛИК ПОЕЗДИ



O'zbekiston Respublikasi Prezidentining birodar Afg'oniston xalqiga insonparvarlik yordami

**Мамлакатимиз минтақамиздаги Афғонистон билан чегарадош уч давлатнинг бири. Ушбу давлат билан умумий чегарамиз 144 километрга узанган.**

Чегара сарҳадларимиз, гарчи бошқа қўшниларимизникидан қисқароқ бўлса-да, бизнинг бу ўлка билан алоқаларимиз унинг тарихи, хусусан, маданий ва гуманитар, умуммаданий мерос нуқтаи назаридан қараганда, хийла чуқур ва мустаҳкам ришталарга эга. Хусусан, ушбу мамлакат ҳудудида тарихда ажодларимиз бир қанча давлатчиликлар, салтанатларга асос солгани яхши маълум.

Ғазнавийлар, Темур ва темирчиликлар, бобурийлар барпо этган ва ўз вақтида гуллаб-яшнаган жамиятлар кишилик тарихидан муҳим ўрин эгаллагани яхши ҳақиқат. Биргина «Хирот адабий мактаби» сифатида тилга оли-

ниб, кейинчалик нафақат шарқ ва мусулмон дунёси, балки бутун олам сўз санъатига дояликни ҳақли равишда даъво қилган Мир Алишер даҳосини бугун ким инкор эта олади?!

Шу маънода гапирганда, бизни ушбу мамлакат билан нафақат ҳудудий жиҳатдан яқинлик, балки ўтмишнинг ёрқин хотиралари, маданият ва санъат, анъаналар ҳамда қадим зеҳният (менталитет) ҳам боғлаб туради. Қолаверса, ҳозир ҳам мамлакатнинг шимолий қисмида миллионлаб миллатдошларимиз ҳаёт кечиради афғон диёрига ва унинг халқига бўлган дўстона муносабатимизни чандон ошириши бор гап.

Деярли 40 йилдан буён нотинч бўлган жафокаш афғон диёрида тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш жараёнида Ўзбекистон фақат дипломатик саъй-ҳаракатлар билангина чекланиб қолмапти. Бугун мамлакатимиз энергетика, таълим, иқтисодиёт, транспорт соҳасида аниқ лойиҳалар

ни амалга ошириш орқали Афғонистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни яхшилашга катта ҳисса қўшмоқда.

Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илгари сурилаган ғоя ва ташаббуслар ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатиш ва уни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ўнлаб минтақавий ва халқаро форматлардаги концептуал лойиҳаларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Бироқ энг аввало, шахсий ташаббус, яъни оғир кунларни бошдан кечираётган ён қўшнига ердан қўлини узатиш, унга мадад бериш, ўйлайманки, бундай инсоний хоҳиш-ироданинг индаллоси ҳисобланади. Барча дунё давлатлари ва халқлари бу ердаги ижтимоий-сиёсий, гуманитар танг аҳволдан яхши хабардор. Узоқ йиллик урушлар, бунинг устига, жаҳонни қамраб олган пандемия келтириб чиқарган гуманитар инқироз мамлакат аҳолисининг силласини қуритганини барча бирдек кўриб турибди. Шундай бир оғир паллада Ўзбекистоннинг қўшни давлат халқини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлагани, ердан қўлини узатиши, айтиш мумкин, кенг жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди.

Жорий йилнинг 14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан биродар Афғонистон халқига кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами чин маънода икки давлат бирдамлигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Яъни, 1300 тоннага яқин бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, кийим-кечак ва пой-абзаллардан иборат инсонпарварлик ёрдами эзгулик поездида Балх вилоятининг Ҳайратон шаҳрига етказилди.

**Забихуллох Мужоҳид, Афғонистон муваққат ҳукумати расмий вакили:**



— Бугунги синови даврда бизга кўрсатилган юксак эътибори, қўллаб-қувватлагани ва бирдамлиги учун дўст Ўзбекистон Президентига, унинг халқига барча афғонистонликлар номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Биз бир дарёнинг икки соҳилида яшайдиган, умумий сарҳад, тарих ва маданиятга эга халқларимиз. Ўзбекистон томонидан етказиб берилган электр энергияси туфайли бугун хонадонларимиз чароғон. Афғон ҳукумати мамлакатда ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаб, дўст ва биродар ўзбек халқи билан барча йўналишларда ҳамкорликни фаол ривожлантириш, икки томонлама хайрли ва қатор истиқболли инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга интилоқда.

Ўзбекистон раҳбари Афғонистон халқига кўмак кўрсатиш қақуриғига биринчилардан бўлиб эътибор қаратганини, унинг сиёсатини кўп миллатли халқимиз чинакам инсонпарварлик, биродарлик ва яхши қўшничиликнинг намоён бўлиши сифатида баҳолайди.

**Исматулла Эргашев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича расмий вакили:**



— Афғонистоннинг янги раҳбарияти Ўзбекистоннинг биродарлик, яхши қўшничилик муносабатларидан жуда ҳам миннатдор. Улар бир гапни айтишяптики, мана шу кунларда Ўзбекистон Президентининг шахсан топшириғи билан етказилган инсонпарварлик ёрдами Афғонистон халқига жуда-жуда керак эди. Афғон халқи инсонпарвар-

лик ёрдамини ўз вақтида етказилганидан миннатдор бўлди, биз бундан одамлар юз-кўзидан, муносабатидан аниқ сездик.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги ўзига хос устувор йўналишлардан бири бирдамлик, ҳамкорлик ва ўзаро ғамхўрлик тамойиллари асосида иш тутиб, яқин, қўшни ва ҳамкор мамлакатларга нафақат ҳаммаслақ бўлиш, балки зарур ҳолларда уларни моддий қўллаб-қувватлашни, инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатишни ҳам ўз ичига олади. Ташқи сиёсатимиздаги бу янгилик рух, прагматик қараш давлатимизнинг халқаро миқёсдаги оғир-эътиборини оширишда муҳим аҳамият касб этапти.

Ўзбекистон ва Афғонистон расмийлари иштирокида бўлиб ўтган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг биродар афғон халқига ўз вақтида кўрсатган инсонпарварлик ёрдами халқларимиз ўртасида асрлар оша давом этиб келаётган тарихий, маданий ва маърифий алоқаларнинг яна бир исботи ўлароқ, мамлакатда юзага келиши мумкин бўлган гуманитар озиқ-овқат инқирозининг олдини олишда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

**Тўра Боболов, Сурхондарё вилояти ҳокими:**



— Қўшни Афғонистон халқи шунини алоҳида эътиборга элтириш керак. Кунларда Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзиб ҳамда энг оғир вазиятда ҳам чегараларни очиб, савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатishга имконият яратиб берди.

Бўлиб ўтган ўзаро мулоқотларда чегараолди ишчи гуруҳининг фаолият кўрсатиши бўйича таклифлар билдирилди. Бу ишчи гуруҳи икки давлатдаги тадбиркорларга ҳам кенг имконият яратиб берилишига хизмат қилади.

Мулоқотлар чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш, чегараолди савдосини ривожлантириш, Сурхондарё ва Балх вилоятлари қўша ишчи комиссияси фаолиятини давом эттириш, шунингдек, мавжуд тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

**Қудратулло Абу Ҳамза, Балх вилояти губернатори:**



— Ўзбекистон Президенти томонидан инсонпарварлик ёрдами ўз вақтида кўрсатилибгина қолмай, балки бу алоҳида эҳтиёж, яъни, халқларимиз ўртасида асрлар оша давом этиб келаётган тарихий маданий ва маънавий алоқаларнинг яна бир ифодасидир.

Бу ёрдам оқлида Афғонистонга пандемия оқибатларини бартараф этишга, шунингдек, мамлакатда юзага келиши мумкин бўлган гуманитар ва озиқ-овқат инқирозининг олдини олишга хизмат қилади.

Биз чегарадошимиз, савдо-сотиқ соҳасини бундан кейин ҳам ривожлантириб, давом эттиришимиз лозим. Бундан, энг аввало, биз манфаатдор бўламиз. Ўзаро мулоқотларда бу борада амалга оширишимиз лозим бўлган масалалар муҳокама қилинди. Маъмур ишларни янада жадаллик билан давом эттиришимиз зарур.

Икки биродар халқларимизнинг самимияти бардавом бўлсин.

**Саидмуҳаммад Ҳошим, афғонистонлик тадбиркор:**



— Ўзбекистон узоқ тарихдан давом этиб келаётган эзгу анъаналарни давом эттирди. Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Амир Темурнинг ўғли Мирзо Шохруҳ бу заминда кўп яхши ишларни амалга оширган. Кўприклар, масжиду мадрасалар бунёд этган. Уларнинг ҳозиргача сақланиб келаётганлари ҳам бор.

Бугун Ўзбекистон ҳукумати ана шу тарихий дўстлик ришталари мустаҳкамлигини яна бир бор намоён қилди. Биз афғон халқи бундан юксак қадрлаймиз.

Дурдона АЛИМОВА



## Жиззах вилояти

**Шароф Рашидов туманининг «Тоқчилик» МФЙ ҳудудидаги 375 та «намунавий кotteж»да истиқомат қилувчи аҳоли ўтган янги йилни совуқ уйларида кутиб олган эди. Гап 2017 йилгача қурилган сариқ рангдаги намунавий кotteжлар (сифатсиз қурилган бу уйлари шундай ном билан аташга ҳам уяласан киши) ҳақида гап кетмоқда.**

Бу ерга кўчиб келганлар «намунавий кotteж»ларни бир амаллаб яшаш учун мослаштиришга ҳаракат қилишяпти. Кимдир номигагина, кимдир капитал таъмирлаб уйига кирган. 2015-2016 йилларда фойдаланишга топширилган бу намунавий кotteжлар туман марказидан ҳам, Жиззах шаҳридан ҳам анча чеккада жойлашган. Ёз ойларида иссиқдан, қиш ойларида совуқдан уйга кириб бўлмайди. Бу кotteжлар атрофи дала ва зовурлардан иборат бўлгани учун кечалари чивин кўпلىгидан ухлаб бўлмайди. Канализация тармоқлари қурилмаган. Энг ачинарлиси, ҳудудда мактаб ҳам қурилмаган. Ёшлар туман ва шаҳар марказидаги мактабларга қатнайди.

Мен ўзим яшаётган кotteжни деярли 100 фоиз қайта таъмирлаб, кўчиб кирдим, деб хато қилган эканман. Бу уйлари қурган курувчиларнинг меъморчилик санъати олдида қойил қолмасдан илож йўқ. Қуришларнинг мураккаблиги — уйларида камчиликлар бирдангина аён бўлмаслигида. Кўчиб кирганимизга икки йил бўлмасдан поллар қирий бошлади. Уларни ҳозиргача ямоқ қилиб келаман. Тўлиқ алмаштириш

## «НАМУНАВИЙ» БОШОҒРИҚ



эса, имкониятим йўқ. Девоқлар қорайиб, нураб, шувоқлар тўқилмоқда. Яқинда, уят бўлса ҳам айтишга мажбурман, уй ичидаги ҳожатхона 1,5-2 метр чуқурликка кулаб тушди (суратда). Яхшиямки, ичида ҳеч ким бўлмаган. Йўқса, касалхонага қатнайвериб, полнинг ямоғига ишлатадиган пулимизни ҳам дори-дармонга сарфлаб юборарди. Олдинда бизни яна қандай янги синновлар кутиб тургани аён эмас.

Хуллас, бу уйнинг камчиликларини бартараф этган сайин муаммолар кўпайиб бормоқда. Ҳар ойда банкка уй учун кредит тўловларини тўлаб келаман. Бу тўлов 2031 йилгача давом этади. Уйнинг камчиликларини қанчангача бартараф этишим эса ноаниқ.

Бу ерда истиқомат қилувчиларни яқинлашиб келаётган қиш мавсуми ҳозирданок ваҳимага солмоқда.

Беш йилдан буён, айна қиш палласида — кунлар жуда совиб кетган пайларда табиий газ босими пасайиб кетиши аҳолини жуда қийин аҳволга солиб қўймоқда. Ота-оналар фарзандлари эрталаб илиқроқ сувда ювинишларига шартан ҳам қилиб бера олишмайди. Вақти-вақти билан бериб келинган ичимлик суви берилиши кейинги пайларда тартибга тушиб қолди. Лекин бу сувни қиш ойларида илиқроқ даражада иситишнинг иложи бўлмайпти. Чунки табиий газда босим, электр энергиясида кучланиш паст. Уйларга ўрнатилган иситиш ускунаси — «Аристон»лар сув, табиий газ ва электр энергияси мунтазам бўлсагина ишлайди. Бу манбаларнинг бирортасида узилиш бўлса ёки босими паст бўлса ҳам ишламайди.

Эрталаб болалар қалтираб, жунжикиб мактабга кетишади.

## Долзарб мавзу

Кечкурун яна совуқ уйларида тунни ўтказишди. Ичкари ташқаридан ҳам совиб кетади. Бундай шароитда болалар қандай дарс қилишсин? Айниқса, чақалогли бор оилалар жуда қийин аҳволда қолишади. Совуқдан касал бўлиб, шифохонага ётганлару, қатнайдиغانлар ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Бу ҳудудда биронта ҳам тиббиёт муассасаси йўқ. Беморлар шаҳар еки туман марказига боришга мажбур. Бунинг учун 7-8 километр ёки ундан кўпроқ йўл босиш керак бўлади.

Ушбу намунавий кotteжлар ҳудудида қиш ойларида табиий газ босими пасайиб, чой қайнатишнинг ҳам иложи бўлмай қолади. Шунинг учун аҳоли электр энергиясидан кўпроқ фойдаланади. Оқибатда тез-тез «свет» ўчиб туради. Ишонмасангиз, табиий газ, электр энергиясисиз кўплаб кеча-кундузларни муздай уйларида ўтказган шу ерлик аҳоли билан суҳбатлашиб кўрин.

Энди ўзингиз ўйланг, эрта тонгда бола совуқдан дир-дир қалтираб турса, бир неча чақиримдаги мактабга йўл машиналарида туртини-суртини бурса, мактабда дарс қилмагани учун ўқитувчисидан дашном эшитса, соғлиғи ёмонлиги туфайли шифоҳоналар, тенгдошлари билан ўйнай олмаса, келажакда у қандай кадр бўлиб етишадими? Биз келажакда ундан қандай қилиб ўзимиз кўрсата олмаган меҳр-муҳаббатни, ҳурматни талаб қила оламиз?

Бу авволларга мутасаддилар қандай жавоб беришар экан? Умуман, жавоб беришармикан? Ҳамма гап шунда...

Т.ҲАКИМОВ.

Шароф Рашидов тумани

## Япон адаби Ма-сару Ибуканинг Нурмухаммад Наргиза Ҳамидулла қизи таржимасида чоп этилган «Учдан кейин кеч» китобидаги кўп мавзулар эътиборини жалб этди.

Улардан бири соғлом ҳаёт тарзи, яъни болаларнинг пиёда юриши қанчалик фойдали экани ҳақидадир. Технологийлар ривожланган, тезкор даврда яшаймиз. Автомашиналар қатнови кўплиги сабаб оналар кўчаларда фарзандларини қўлларидан ушлаб, боланинг бемалол юриши рухсат бермайди. Аслида шошилмай юриш инсон учун фойдали машғулот бўлиб, инсоннинг фикрлаш жараёнига ижобий таъсир этади.

## Учдан кейин кеч

Асарда қайд этилишича, япон ота-оналар фарзандларининг пиёда юришлари ва мустақил бўлишлари учун 7 ёшдан бошлаб мактабга пиёда ва ёлғиз юборишади. Ёки болаларнинг ўзлари метро, автобуслардан фойдаланишади. Уйга қайтиш жараёни ҳам худди шу тарзда кечади. Шунингдек, япон мактабларида фаррош ишга олинмайди. Ўз синфларини ўқувчиларнинг ўзлари тозалашади ва улар учун бу шунчаки иш эмас, балки вақтларини қувноқ ўтказишлари учун машғулот ҳисобланади. Ушбу машғулот «о-сўжи» деб аталиб, ўқувчилар қанда қилмай ҳар кунни такрорлашади.

## Мўтолаа



Япон мактабларидаги яна бир қизиқ ҳолат бу — ошхонада овқатларнинг ишчилар эмас, балки ўқувчилар томонидан тарқатилишидир. Болалар супуришади, чангларни артишади, идишларни йиғиштиришади. Бу ишларнинг барчасини мамнуният билан бажаришади.

Япон мактабларининг бирида ўқитувчи бўлган Кёко Такишиманинг айтишича, ушбу ҳаракатлар болаларга қадам-бақадам ўргатилади. Машғулотлар уларнинг ўзига бўлган ишончи орттиришга, меҳнатнинг қадрига етишига, атроф-муҳитни тоза сақлаш ва бир-бирларига нисбатан ҳурмати орттиришга сабаб бўлади.

Менинг фикримча, улар шу тариха меҳнатсеварликка ўргатилади. Кичиклигидан мустақил ва меҳнатсевар бўлиб улғайган фарзандлардан келажакдаги фаолиятларида катта-катта ютуқлар кузатилади. Умуман олганда, япон педагогларининг хилма-хил методларида, ўқувчиларга ҳам таълим, ҳам тарбия берувчи машғулотлардан ибрат олам, арзийди.

Гулбадан НИШОНОВА, Тошкент шаҳридаги Ёдуқ техника институты талабаси



Хотира ўйғонса, гўзал...

# «Тавоф этиб бизлар босган изларни ҳам, Эслашарлар бир кун келиб бизларни ҳам»

«Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби Раҳматжон Қурбоновни хотирлаб...



боласи бу. Насиб қилса, ундан зўр ҳофиз чиқади.

– Шундайми? – Шерозий дуога қўл очди. – Аллоҳим овозинга шира берсин, торинг булбулдай сайрасин, элда азиз бўлгин!

...Ушунда Раҳматжон саккиз ёшда эди. Худойберган сазни ўй-лига тор олиб берган кун қўлини маҳкам тутиб, «Маромига етказиб чалмасанг, қўлингга тор олувчи бўлма», дея қатъий тайинлаганди.

Хива мусиқа мактабида Файбулло Убайдуллаевдан рубоб чалишни ўрганган, Раҳматжон саз тарихи, қандай ясалиши, куй қандай таралиши ҳақида кўп саволлар берарди. «Бўладиган бола бошидан маълум» деганлари шу бўлса керак», дея Файбулло ака шогирдидан меҳрини аямасди.

...Раҳматжон Қурбонов санъаткор бўлиб туғилган эди. Худойберган ака ва Ленинза опанинг 13 фарзанди орасида ажралиб турарди. Буюк ҳофиз Комилжон Отаниёзов уларни ҳар келганда бошини силаб, порлоқ толе тиларди. Беш ёшда тор чалишни ўрганган Раҳматжон ўн-ўн икки ёшда устозининг барча кўшиқларини ёд олди. 5-6-синфда ўқиб юрган кезларидаёқ эл озгига тушди.

Хива туманида ўтказилган маданий тадбирларнинг барчасига уни таклиф қилишарди. Серфарзанд оилада улғайган барча болалар қатори унинг ҳам суяги меҳнатда қотди. Ўқувчилик кезлари фиш заводидида ишлади. Шавқидин эшон бобо хонадонда хизматда бўлди, пода боқди. Аммо қаерда, нима билан машғул бўлмасин, фикру ўйи мусиқада эди.

1975 йилда Комилжон Отаниёзовнинг ўлими муҳлислар учун оғир жудодик бўлди. Хивалик шинавандалар ўз қалбларидаги ташналикни қондириш учун тез-тез Худойберган ақанинг уйига келишарди. Бу ерда Раҳматжон Қурбонов тўлиб-тошиб, Қомилжон Отаниёзовнинг қўшиқларини куйларди. Бу пайтда у Урганчдаги Харратов номи мусиқа билим юртида таҳсил олиш баробарида Хивадаги «Нақш» ансамблида мусиқа раҳбари бўлиб ишларди. 1978 йили Урганчда филармония ташкил қилиниб, Бобомурод Ҳамдамов бадиий раҳбар, Раҳматжон Қурбонов мусиқа раҳбари этиб тайинланди.

Дарҳақиқат, Раҳматжон 16-17 ёшларида профессионал санъаткор сифатида танилган ва тан олинган эди. Шунинг

учунми, 1979 йили Тошкент давлат консерваториясига ўқишга кирганида устозлари унга «Сиз ўқигани келдингизми ё дарс бергани?», деб ҳазиллашарди. Консерваторияда Ҳалима Носирова, Шавкат Муҳаммедов, Ориф Алимасулов, Суйима Ғаниева каби улўз устозлардан санъат ва адабиёт сирларини пухта ўрганди. Факулдада истеъдоди ва улкан билимга эгалиги туфайли тўртинчи босқич талабаси зиммасига ўқитувчилик масъулияти юкланди.

– Ҳар бир киши ўзи танлаган касб сирларини пухта эгаллаши, ўқиб ўрганиши лозим. Бу ҳаммага тааллуқли. Дўхтирга ҳам, муаллимга ҳам. Бўлмағур мутахассисларни кўрсам, дилим ранжийди. Шоир айтганидек, «Кимки бўлмиш ўз ишига хийлагар. Унда йўқ инсонликдин асар», деган эди ҳофиз сўзбаатардан бирида.

Раҳматжон Қурбонов учун билим биринчи ўринда турарди. «Бешиқдан қабргача илм изла» ҳикматида қатъий амал қилар, ўз устиди ишладан, изланишдан, ўрганишдан бир кун, бир лаҳза ҳам тўхтамасди. Балки шу сабаб у нафақат хонанда ва созанда, балки санъатшунос, адабиёт ва тарих билимдони сифатида ҳам элда обрў қозонди. Санъат умрбоқийлигига ҳисса қўшди. Муносиб шогирдлар тарбиялади.

Йигирма тўрт ёшда довудий овоз соҳиби, дея эътироф қилинди. Ундан олдин ва кейин ҳеч кимга насиб қилмаган бу номни кўтариб юриш масъулиятини Раҳматжон Қурбонов яхши англаганди. У нафақат Хоразм сувораларини, балки Тошкент-Фарғона йўналишидаги ашуларни, Бухоро шашмақомини ҳам авж пардаларда куйлади. У оддий ижрочини яратувчи ижодкор эди. Устози Комилжон Отаниёзов изидан бориб, еттинчи – нимпарда суворани яратди.

– Санъат тақдирини уч тоифага боғлиқ; яратувчи, ижрочини, тингловчи. Мақомларимизни тарихий обидаларни асраган-

**Раҳматжон Қурбоновни таниганлар таъсирчан инсон эди, деб таърифлашади. Огаҳий ғазалидан илҳомланиб, шашмаод дарахтининг излаб топгани ва Хивадаги ҳовлисига эккани бунинг бир исботидир. Манманга манман, камтарга камтар эди, деб эслашади. У нафақат уновчи йўқ халқ ҳофиз, балки уновчи йўқ олим, беминнат дўст, етук шоир ва адабиётшунос, бир сўз билан ифодаланганда, комил инсон эди.**

дэй асрашимиз керак. Японлар сакура ашуларини 800 йилдан буён қадрлайди. Бир ярим минг йилдан буён ашаб келадиган соғларимиз бор. Уларни ким асрайди? – деганди сўзбаатарнинг бирида.

Ҳа, ҳофиз доим санъатни асрашга давват қилиб келган. 17 йил «Лазги» ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик қилган йиллари ўзбек санъатини янги асарлар билан бойитган. Жаҳоннинг турли давлатларида

санъатимиз жозибасини кўз-кўз қилган. Кейинчалик – Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида, Хоразм вилояти маданият бошқармасида фаолият кўрсатган даврларида ҳам маданият ва санъат ривожига муносиб ҳисса қўшган. Умрининг сўнгги йилларида Ўзбекистон давлат филармонияси Хоразм бўлими раҳбари сифатида юзлаб истеъдодларни кашф этган.

Раҳматжон Қурбонов меҳнатқаш инсон эди. Концерт дастурлари учун сценарийлар ёзар, уларга режиссерлик қиларди. Паҳлавон Маҳмудни ғойибона устози деб билиб, рубоийлар битди. 2004 йилда чоп этилган «Етмиш икки шаҳр» номи ру-бойлар тўплами муҳлисларга маъқулу манзур бўлди. 2011 йилда «Санъатнома» туркумининг биринчи китоби «Санъатнинг сирли олами» номи билан чоп қилинди. Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан эл оралаб, устознинг шеър ва ғазалларини тўплади. «Мен ўзбекнинг ўғлиман» китобига ўз шеърларини ҳам илова қилиб «Устоз йўлидан» дея ном берди. Икки тўплам бир китобда жам бўлиши шеърини илҳомлаётганини мамнун қилди. Шу йили «Уч бўстон булбули» драматини ёзиб тугатди ва сахналаштирди. Юбилей тадбирида драмада бош қаҳрамон образини гавдалантирди. 2020 йилда «Санъатнома»нинг иккинчи ва учинчи китоблари босмадан чиқди. Юзлаб ашулар яратди. Айниқса, «Хиваки»га бор меҳрини берди. Санъаткорнинг меҳнатлари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист»

«Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонлари, «Меҳнат шукрати» ордени билан тақдирланди. Ҳофизнинг жияни, «Ичан қалъа» музей-қўриқхонасининг Хоразм мусиқа санъати тарихи бўлими мудири Комилжон Аминов 2021 йил арафасида Раҳматжон Қурбонов билан бўлган сўнгги сўзбаатарни кўзда ёш билан эслади: – Раҳматжон оғамнинг орзулари кўп эди. Хиванинг сўнгги хонлари Исфаандиёрхон ва Абдуллахонлар ҳақида драма ёзиш истаги ҳақида гапирганди. «Пандемия тугасин, биргаликда жаҳон бўйлаб сафарга чиқамиз. Музей жамоаси Хоразм санъати тарихини экспонатларда намойиш қилса, биз жонли ижрода кўрсатиб берамиз», деганди. Оғам навбатдаги китобиди Хоразм сувораларининг моҳир эгалари Полли дузчи ва Қаландар банги ҳақида

ёзиш нияти борлигини айтди. Биргаликда маълумот излади. Бунга қаранги, Полли дузчи ҳатто расмга ҳам тушмаган экан. Қаландар ота бефарзанд ўтганига ўлим гувоҳномаси ҳам олинмаган, қабри йўқолиб кетган экан. Раҳматжон Қурбонов Қаландар отанинг қабрини қайта тиклаб, обод зиёратгоҳга айлантирди. У санъат ҳам, санъаткор ҳам қадр топиши керак, деб ҳисобларди.

Раҳматжон Қурбонов ҳеч қачон мансаб, унвон, шўхрат талашмаган. Минглаб муҳлислари талаб қилишига қарамасдан, «халқ артисти» унвони берилмаганидан хафа бўлмаган. Асл санъат дурдоналарини яратиб насиб этганининг ўзини катта бахт деб билган. «Ҳозирги айрим санъаткорларимиз томошабинларнинг вақтинчалик олқишлари-ю қарсақларига қараб иш тутишади. Ўз санъатини шу томошабинларнинг олқишларига қараб баҳолашади», дерди. Абадиятга дахлдорликни қарсақлар белгиламайди, деб ҳисобларди. «Ҳозирги кунда мусиқа санъатимиз бир оз ғарб ва бошқа миллат мусиқаларига аралашиб кетгандай туюлган. Бунинг асл сабаби бизда тингловчилик маданияти сал оқсоқроқ ва яхши йўлга қўйилмаганидир. Мусиқа тинглаш маданиятини биз болалар боғчасидаёқ шакллантиришимиз, мактабларда, ўрта ва олий ўқув даргоҳларида ривожлантиришимиз ва шунга яраша ўқув қўланмалари яратилишимиз лозим», деганди бир сўзбаатар ҳофиз кучоналик билан.

Раҳматжон Қурбоновни таниганлар таъсирчан инсон эди, деб таърифлашади. Огаҳий ғазалидан илҳомланиб, шашмаод дарахтининг излаб топгани ва Хивадаги ҳовлисига эккани бунинг бир исботидир. Манманга манман, камтарга камтар эди, деб эслашади. У нафақат уновчи йўқ халқ ҳофиз, балки уновчи йўқ олим, беминнат дўст, етук шоир ва адабиётшунос, бир сўз билан ифодаланганда, комил инсон эди.

**«Тавоф этиб бизлар босган изларни ҳам, Эслашарлар бир кун келиб бизларни ҳам»** деб куйлаган эди хонанда. Йиллар ўтгани сайин ўзбек санъатининг порлоқ куёши, нодир истеъдод, ноёб овоз соҳиби сифатида Раҳматжон Қурбоновнинг қадри ҳам баландлайберди. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида ҳофиз «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирлангани бунинг яққол исботидир.



Мухаббат ТУРАБОВЕВА, «ISHONCH»

## Эълонлар

### «BEST REALTOR» МЧЖ ФАРҶОНА МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

«Ishonch» газетасининг 2021 йил 11 сентябрь сонидида чоп этилган эълондаги куйидаги ЛОТ бекор қилинди: «Ёзёвон тумани, Қоратепа қишлоғида жойлашган «Қоратепа пахта ғарамлаш маскани» бино-иншоотлари бир қисми. Умумий ер майдони – 310,00 кв.м., режа бўйича: 0004-литердаги чойхона биноси, 0005-литердаги чойхона айвони. Бошланғич баҳоси – 53 905 000 (элик уч миллион тўққиз юз беш минг) сўм».

Тошкент Банк ҳисоб-кредит коллежи томонидан 2017 йилда Хубулбаев Хусниддин Халилович номига «Банк иши» йўналиши бўйича берилган К №4899356-рақамли диплом йўқолигани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани 59-сонли айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб томонидан 2019 йилда Юлдашев Асадеб Икhtiер ўғли номига берилган UM №0271569-рақамли аттестат йўқолигани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси ҳамда қасаба уюшма қўмитаси университети юристи Файзулла Мирзаевага онаси **Шодмон ая МИРЗАЕВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси молия муас-сасининг Ахборот хизмати раҳбари Сарвар Очиловга синглиси **Шахноза ҲУСАНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2020-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Мабҳут ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир хайъати:

- Кудратилла РАФИҚОВ (тахрир хайъати раиси),
- Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
- Анвар АБДУМУХТОРОВ,
- Сайфулло АҲМЕДОВ,
- Акмал САИДОВ,
- Равшан БЕДИЛОВ,
- Қутлимурот СОБИРОВ,
- Сухроб РАФИҚОВ,
- Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
- Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
- Нодира КАРИМОВА,
- Анвар ҚУЛМУРОДОВ

(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),  
Мехридин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»),  
Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир  
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:  
Қасаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69  
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, тахлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишиши мумкин.

- Ҳудудлардаги муҳбирлар:
- Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
  - Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
  - Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
  - Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
  - Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02
  - Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
  - Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
  - Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
  - Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
  - Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
  - Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
  - Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
  - Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаси назаридан фариқлиш мумкин.

Навбатчи муҳаррир:  
А. Ҳайдаров

Мусоҳахчи:  
Д. Худойберганонова

Саҳифаловчи:  
Ҳ. Абдураҳимов

Босишга топшириш вақти – 22:30  
Топширилди – 22:50

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ, Буюртма Ғ – 906.

27567 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзиллигимиз:  
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг режанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят хисобрақами:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Iprotka bank»  
Яшинобод филиали,  
Банк коди: 00959,  
СТИР: 201133889,  
ОКЭД: 58130

### «BEST AUTO AUKSION» МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Нуробод тумани давлат ветеринария бўлимининг 9.09.2021 йилдаги №777-сонли буюртномасига асосан, Нуробод тумани давлат ветеринария бўлимига қарашли, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами белгиси 30 983 NAA бўлган техник носоз ҳолатдаги «Дамас» русумли автотранспорт воситаси 5 765 000 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2021 йил 19 октябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2021 йил 18 октябрь кунини соат 18:00.

Ушбу мулк 2021 йил 19 октябрь кунини сотилмаган тақдирда, тақдирий савдоси 2021 йил 3 ноябрь кунини соат 11:00 да ўтказилади.

Тақдирий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш белгиланган савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхташилади. Савдо, қўлибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «BEST AUTO AUKSION» МЧЖ Самарқанд минтақавий филиалининг ҳисобрақамига (банк: АТИБ «Ипотека банк»нинг Кўксарой филиали, х/р: 20208000700805784002, МФО:00262, СТИР:305089257)га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. Тел.: (+99890) 212-60-01. Электрон почта: best.samarqand@inbox.uz

Гувоҳнома №547246